48-49 (548-549)-сон

— 37 —

551-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

551 Норматив-хуқуқий хужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 779-1

(2012 йил 13 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда) ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини ҳабул ҳилиш тартибини такомиллаштириш тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳарорлари тўплами, 2000 й., 5-сон, 26-модда) ҳарорларига асосан буюраман:

- 1. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан киритилган Чет эл фукаролари уй-жой эгалари томонидан коммунал хизматлар буйича туловлар ва уй-жойдан фойдаланиш буйича туловлар ва уй-жойдан фойдаланиш буйича харажатлар узок вакт туланмаган (12 ойдан ортик) холда уларнинг кечиктирилган карзини коплаш тартибини (руйхат раками 779, 1999 йил 27 июль) конун хужжатларига мувофиклаштириш юзасидан 2012 йил 9 апрелдаги 1-6-320/8-сон такдимноманинг талаблари бажарилмаганлиги маълумот учун кабул килинсин.
- 2. Чет эл фукаролари уй-жой эгалари томонидан коммунал хизматлар буйича туловлар ва уй-жойдан фойдаланиш буйича туловлар ва уй-жойдан фойдаланиш буйича харажатлар узок вакт туланмаган (12 ойдан ортик) холда уларнинг кечиктирилган карзини коплаш тартиби (руйхат раками 779, 1999 йил 27 июль) Узбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кумиталари ва идоралари норматив-хукукий хужжатларининг давлат реестридан чикарилсин ва бу хакда мазкур давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин
- 3. Идоравий меъёрий хужжатларни давлат руйхатидан утказиш бошкармаси (Б. Болиев) ушбу норматив-хукукий хужжатни Узбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кумиталари ва идоралари норматив-хукукий хужжатларининг давлат реестридан чикарилганлигини ун кун муддат ичи-

551-552-моддалар

— 38 — 48-49 (548-549)-сон

да барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

- 4. Конун хужжатларини туркумлаш ва хукукий ахборот бошкармаси (С. Нуриев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан» да нашр этилишини таъминласин.
- 5. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ушбу норматив-хуқуқий хужжат Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идоралари норматив-хуқуқий хужжатларининг давлат реестридан чиқарилганлигини ўн күн муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.
- 6. Мазкур буйруқ давлат руйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн күн ўтгандан кейин кучга киради.
- 7. Мазкур буйрукнинг ижросини назорат килиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклансин.

Вазир

н. йўлдошев

Тошкент ш., 2012 йил 3 декабрь, 258-мх-сон